

МЕДИАЦИЯ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Кайрат Кеунимжаевич Низаматдинов

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти

Муваззам Бахтиеровна Тиллабоева

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Медиация тушунчаси, лотинча “mediate” сўзидан олинган бўлиб, “воситачилик қилиш” деган маънони англатади. Шу сабабли халқаро муомалада медиация “воситачилик”, “яраштириш мақсадида аралашув” маъноларида қўлланади ва юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари бир хил маъно касб этади. Мақолада медиация тушунчаси ва унинг вазифаларига тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: медиация, медиация вазифалари, медиация мақсади, суд, ҳуқуқ, низо, фармон, музокара.

КИРИШ

Қонунни ривожлантириш тарихида Вавилон, Қадимий Греция ва Қадимий Римда медиацияни қўллаш қайд этилган. Рим ҳуқуқида Юстиниан кодексидан бошлаб (милоддан аввалги VI аср) баҳс-мунозараларни ҳал қилиш учун воситачилик тан олинган. Медиация технологияси асосан савдода қўлланилган. Римликлар баҳс-мунозараларни ҳал қилувчи мутахассисларни “medium” – “воситачи” сўзи билан ифодалашган. Воситачиларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Уларни дохийлар ва руҳонийлар билан бир қаторга қўйишган. Замонавий тушунчаларда медиация XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Австралия ва Буюк Британияда ривожлана бошлаган. Европада медиаторлар оилавий мунозараларни ҳал қилишга жалб қилинган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

БМТ уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган. Шунингдек, Европа парламенти ва кенгашининг 2008 йилги 52-директивасида фуқаролик ва тижорат низоларида медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «тарафлар бошлаб берган ёки суд томонидан тайинланган ёхуд миллий қонунчилик билан

Белгиланганидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ низолашувчи тарафларнинг низони ҳал этиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида учинчи шахсга мурожаат этиш жараёнидир».

Медиациянинг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик кабилар кирази. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Умуман олганда, медиация – баҳс-мунозараларни учинчи бетараф томон иштирокида тартибга солишга доир ҳуқуқий технология. Ушбу йўналиш ўзининг маълум бир шартлари ва тамойилларига эга. Масалан:

- томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- ихтиёрийлик;
- ўзаро ҳурмат;
- конфиденциаллик;
- жараённинг шаффофлилиги;
- медиаторнинг холислиги.

Медиация суддан ташқари тартибда, баҳс-мунозарани суд тартибида кўриб чиқиш жараёнида, суднинг қарор чиқариш учун зални тарк этишидан олдин. Агар гап Ҳакамлик суди ҳақида кетаётган бўлса, шакл худди шундай бўлади. Медиацияда иштирок этиш факти айбга иқроор бўлишнинг исботи ҳисобланмайди!

Медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторларнинг шаклланишига олиб келган. Медиаторлар далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, уларнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, тарафлар учун мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Медиация – мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган конфиденциал жараён. У низолашаётган тарафларнинг ихтиёрига кўра танлаб олинган бетараф учинчи шахснинг воситачилигида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро муроа – ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс – медиатор

аслида судья ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қилмайди. Ҳакамлик судидан у айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Давлатимизда ҳам мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислохотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини чуқур англаб етишлари, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги дунёқарашларнинг тубдан ўзгараётганлиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашуви, иқтисодий қонунчиликнинг эркинлашуви ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишни янада жадаллаштиришни, хусусан, низоларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усулларида фойдаланишни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада эркинлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги 4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэътироф этилган ҳалқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан “Медиация тўғрисида” ги қонунни қабул қилиш лозимлигини таъкиблаб ўтилган эди.

Ушбундан келиб чиқиб “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланганидан кейин 2018 йил 3 июль куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди ва 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли Қонуни билан медиациянинг низони суд тартибида кўриш жараёнида, низони ҳакамлик

судида кўриш жараёнида, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилишига оид нормалар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Медиация йўли билан тарафларнинг ўзаро келишишлари шундай қулайликларга эгаки – у вақтни тежайди, тарафларнинг узок вақт ўзаро низолашиб юришларига барҳам беради, суд ҳаражатлари тўлашни қисқартириш имконини беради.

“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 15-моддасига мувофиқ:

“Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин”.

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ:

“Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади”.

“Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно”.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасига мувофиқ “медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганида” иш юритиш тўхтатиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддасига мувофиқ тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириб, ишни тугатади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, низоларни ҳал этишда медиацияни қўллаш вақтни тежаш ва низолашувчи тарафлар фуқаролар, ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг суд ҳаражатларини қисқартириш имконини беради. Улар юзага келган низоларни судгача олиб бормасдан, суд муҳокамаси билан боғлиқ давлат божи ва бошқа ҳаражатларни тўламасдан ўзаро манфаатли шартлар асосида ўзлари учун қўлай жой ва вақтда тез ҳамда мақбул усулда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

REFERENCES

1. Салимова И.М. Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2019.
2. Шадиёва С. ва бошқалар. Суд амалиётини умумлаштириш материаллари тўплами (қўчирмалар). – Тошкент: “Niso Poligraf” нашриёти, 2015.
3. Иванова, Е.Н. Медиация как альтернативный суду способ разрешения конфликтов. Развитие альтернативных форм разрешения правовых конфликтов. Ч. 1. – Саратов, 1999.